

“Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “VODDIY YO”L TRAN QURULISH TAMIRLASH” MCHJ ўртасида ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган

ШАРТНОМА № П-2022-267

Андижон шаҳри.

23 ноябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган “Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган “VODDIY YO”L TRAN QURULISH TAMIRLASH” MCHJ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Х.Дадабоев иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Асака туман Навоий МФЙ Ўзбекистон** кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **28 400 000** (Йигирма саккиз миллион торт юз минг сўм) ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Газначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% пул маблағлари аванс тарикасида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисоб рақамига туширилганидан сўнг, “**Пудратчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова қилинган тўлов жадвалига асосан ўтказиб беради.

2.4. “**Пудратчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 30 октябрь кунига қадар “**Буюртмачи**”га топширилиши шарт ҳисобланади. Кўрсатилган муддатда “**Пудратчи**” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “**Буюртмачи**” томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта қўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва иловада кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойлarda ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк ҳати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “**Пудратчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. “**Пудратчи**” “**Буюртмачи**” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Пудратчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Пудратчи**” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлик ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Бююртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Бююртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Бююртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб берилмаган иш учун олинмаган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.9. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Бююртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.10. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳамжлари тегишли ўзгарттиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Бююртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.12. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.13. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.4-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.5-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Бююртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.14. **“Пудратчи”**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.16. **“Пудратчи”**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.17. **“Пудратчи”** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.19. Агар **“Пудратчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Бююртмачи”**га топширмаган тақдирда, **“Бююртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Пудратчи”** объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Бююртмачи”**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Пудратчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, **“Бююртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Бююртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 модллари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “Пудратчи” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “пудратчи” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга қиради.

7.2.Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

7.3.Ишларини бажариш бўйича маблағ “Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси” томонидан “Буюртмачи”нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусxada тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бири-бирга ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини қафолатлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон минтақавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар қорхонаси
Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс: 227-66-36 226-88-90
ш/х:304521860032247045129118017
СТИР:304917491
ОКОНХ: 42110
Уз. Р.Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Ҳазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБББ ХККМ
МФО: 00014
Ҳазначилик бўлинимаси СТИР: 201122919

Директор  Т.Мирзаев

Бош юрисконсулт:  З.Джаборқулов

“ПУДРАТЧИ”

“VODDIY YO”LTRAN QURULISH
TAMIRLASH” MCHJ

Андижон шарах Ахматбек хожи кўчаси 72-уй

Ипатека банк Андижон бўлими

х/р; 2020 8000 3050 1450 3001
МФО; 00059
ИНН;302 462 509

Директор:  Х.Дадабоев

